


ҲАДИСИ ШАРИФДАН

- Агар иш (мансаб) ноахил (мутахассис бўлмаган) кишига топширилса қиёматни кутавер.
- Молу дунёдан ўзингни торт (қўнглингни уз), Аллоҳ сени яхши қўради. Одамлар қўлидаги нарсалардан қўнглингни уз, одамлар сени яхши қўради.
- Одамларга тўқназар бўлинглар, ҳатто мисвок (тил қовлагич) парчасидек нарсани ҳам кишилардан умид қилманглар. Кечиримли бўлинглар. Шунда сизларга ҳам кечиримли бўлишарди.



Қор ёқанда. Чимёнда...

ҚАҲ-ҚАҲА

- Дўхтир, менимча яқин кунлар ичида ҳаётдан қўз юмсам керак!
- Нега, нима бўлди?
- Кавримга бармоғини тек-тизсам ўша ерим оғриди.
- Э, дўстим, бармоғингиз синган экан-ку!
- Биласизми дўхтир, — деди қабулхонага кирган киши. — Эрим ўзини кейинги вақтда чой ёки кофе ичмаётганда чашкани ҳам қўшиб ёб қўймоқда, лекин дастасини қолдирибди.
- Эрингиз ахмоқ экан, — деди шифокор, — нахотки у дастаси энг ширин эканлигини билмасми?
- Бир мухбир жиннихонага келиб қараса, улар томга чиқиб па-

ста турган кроватга сакраша-япти. Нима қиласиз, — деди мухбир. — «Аэрофлот» ўйинини ўйна-япмиз, — деб жавоб беришди улар. — Бошлиқларинг қани? — Сизнинг қилган рейс билан жўнатганимиз... Жиннихонада бир бемор вана-нада ўзини чўктирмоқчи бўлди. Шериги эса, уни қўтариб қолди. Шифокор халоскорга деди: — Сизнинг қилган ишингиз тўғрисида қўнглингни билдира-ди. Эртага унингизга жавоб бера-миз. Аммо сиз қўтарган йигит ўзини ўзи осиб ўлдирибди. Сиз нима деб ўйлайсиз. — Бўлмаган гап, дўхтир, — деди халиги йигит. — У ўзини осмаган. Мен уни ванадан тор-тиб олган, қўриш учун осиб қўйганман...

ЭЪЛОН

«Адолат» газетасига масъул котиб лавозимда ишлаш учун ма-лакали мутахассис ходим керак. Мурожаат учун телефон: 133-41-89.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 30 январдан бошлаб ва-люта операциялари бўйича бўлгантерия-жисби, статистика ва бошқа хабарлар-ни юртимиз, шунингдек, бошқона тўло-лар учун хорижий валюталарнинг сўма-нибати ҳақидаги хабарларни бeлгил-ди.

1 АҚШ доллари
329 сўм 06 тийин қилиб белгиланди.

ЎТТАНАРИНГ ОХИРАТИ ОВОД БУЛСИН!

«Адолат» газетаси ижодий жамоаси газета мухбири Комил Саҳатовга оиди.
Тўхтамуроод ЭРГАШЕВнинг вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади ва Оллоҳдан сабр-тоқат тилайди.

Бу китобни ўқинг!

ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Ўзининг «Гулсафар ҳиди», «Чакмоқ чакнаганда», «Онасининг саман тойчоғи», «Бир томчи ёш», «Қуёш ҳам олов», «Оқ оппоқ булутлар» номли қатор ҳикоя ва қиссалари билан ҳамюртларимиз қалбидан мустаҳкам жой олган истеъдодли ёзувчи Алишер ИБОДИНОВнинг яқинда «Қонун ҳимоясида» журнали кутубхонасида «Дўхтирнинг остида» «Латофат» дўхтирнинг қатли» номли ўқ қиссасидан иборат китоби босмадан чиқди. Ушбу китобни ўқиб, гоҳ қувондим, қалбим иртихорга тулди. Сабаби, бу китоб адабиётимизнинг яна бир янги муваффақиятини намойиш этиб турибди. Китоб ҳақида мунаққидлар ўз фикрларини билдиришар, аммо мен ёзувчи ижодининг муҳлиси, оддий бир китобхон сифатида таассуротларим-ни айтаман.

Китобдаги «Латофат» дўхтирнинг қатли, «Деразанинг чертганда ёмғиру ша-мол», «Қайғусиз қаср» қиссаларининг қаҳрамонлари замондошларимиздир. Уларни иш жойларимизда, бозор учарда, кўча-кўйда, байрам-сайилларда, ҳуллас хар доим атрофимизда кўргандек, билгандек, танигандек бўламиз. Фақат уларнинг ҳаётидаги сир-синоатлар бизга қоронғу, холос.

Бадиий ифодаси ўткир уччала қиссининг ҳам та-сирлари, лаҳзалари, ўқувчи-ни мастун этади. Китобни ўқибди баъзида қувончлик, баъзида жиддийлик билан саҳифаларга сингиб кета-сан. Воқеалар баайни гоҳ баландлик, гоҳида сайхон-ликлар томон олиб кетади. Табиатнинг гузал манзаралари олдига, пол қолсан, ўқингиз асар қаҳрамонлари ордидан юргандек ҳис қила-сан. Тақдир синовларида

гоҳ мардона, гоҳ аянчли аҳволда қолган одамлар қал-бидан яқин бўлиб қоладик, кўча-кўйда, байрам-сайилларда уларнинг ўзи шундоқ руҳан-дан чиқиб қоладигандек тую-лаверади... Ёзувчи китобда инсон қал-би туйғуларини: қуйдиргувчи ишқ, ёввойи тугенлар, маккору-лик, хивнат, разиллик, яхши-лик ва ёмонлик, жиноят ва жазо каби ҳолатларни жуда катта бадиий маҳорат билан ифодалаган. Минг бор эшит-

гандан кўра бир бор ўқиган яхши, деган нақлга амал қилиб, асардаги воқеалар тафсилотини бирма-бир айт-мадим. Хурматли китобхон! Асарни ўқиб, мулоҳаза чигирингидан ўтказар экансиз, дунёда эзгу-ликдан ўзга буюк нەъмат йўқ эканига ишонасиз. Ушбу кит-об мазмун, моҳияти ва бу бўлажак ҳаётимиз учун жуда ҳам керак эканлиги билан қал-бингизга тоғнинг шаффоф ёғдуларидек кириб боради.



Хайта мудрамай, зийраклик билан боқишга ўндайди. Меҳрингизни қозонади, ки-згин баҳс-мунозараларга чорлайди. Нурхон РАИМОВА.

Ўзбек детективи

Алишер ИБОДИНОВ

«ЛАТОФАТ» ДЎХТИРНИНГ ҚАТЛИ

(Қиссадан парча)

Қоронғу тушгач, у ўрнидан туриб, катта йўл томонга кетди. Юрагида энди бошқа бир туйғу — Латофатни ўлдириб, Ахроржонни-да жонидан жудо қилган ифлосдан қасос олиш туйғуси ёнарди. Йигит аввал бориб, Шуриқдан хабар олди. Пивоҳур Усмоннинг хотини ҳамма нарсадан хабар-дор экан. У Шуриқни уйига олиб кириб қўйибди. Латофатнинг Тошкентда-ги ота-онасига хабар берибди. — Илоё, уйи қуйсин қотилнинг! Давлат отиб ташламаса, асло розимас-ман! — деди аёл столни муштаб. Шуриқ югуриб келиб, Ахроржоннинг бўйнига осилди.



— Аям қаёққа кетди? Қачон келади? Ахроржон боланинг бошини силаб, қўз ёшларини унга билдирмади. Кўк «Жигули» ҳамон кеча ташлаб кетган жойида турган экан. Қалит Ла-тофатнинг уйида қолган, текширув органлари ходимлари унинг уйини му-ҳриб кетишганди. Пивоҳур Усмон ма-шинанинг юқонаси томонидан сало-на кирди ва машина эшигини очди. Ма-шинани юргизиб қўлфини суғуриб олиб, қалитсиз моторни ишлатиб бер-ди. Ахроржон қишлоққа жўнади. Ярим тунда етиб бориб, ҳеч кимга ҳеч нарс-а деймай тўшака ағанади. Эрталаб бар-вақт ўрнидан туриб, отаси билан чой ичди.

— Тобинг яхшими? — дея хавотир-ланиб сўради отаси унинг синиқча-ранги, ич-ичига ботган кўзларига қараб. — Тузук, — хомуш жавоб қилди Ахроржон.

Шу пайт кўча дарвозаси олдида қан-дайдир машина кескин тормоз бериб тўхтади. Дарвоза тарақлаб очилиб, ич-карига уч-тўртта миллиция формасида-ги ва фуқаро кийимидagi кишилар ки-риб келишди. Ахроржоннинг ранги оқариб кетди. Ота ҳам ўтирган ўрнида тахта бўлиб қолган эди. Фуқаро кий-имидagi киши уларга яқинлашиб, салом берди-да: — Кўркамлар, ҳаммаси яхши бўла-ди, бу ҳозирча текшириш учун, холос, — деди. — Нима? Келинг, нима хизмат? — деди қалованиб ўрнидан турган ота. — Фуқаро Ахрор Мадаминов сиз бўласизми? — Ха, менман, — деди қирқираб Ахроржон, унинг томоғи қуруқшаб қол-ганди.

— Сиз фуқаро Шоахмедова Лато-фатни ўлдиришда айбаниб қамоққа олинингиз. Мана, прокурорнинг сан-кичиеси.

Миллиционерлардан бири эпчиллик билан «шил» этиб Ахроржоннинг ўнг қўлига заңжир солди ва заңжирнинг ик-кинчи халқасини ўз қўлига тақиб олди. Ойла аъзолари ханг-манг эдилар. Уйлар, омбор-у молхоналар тинтув қилинди. Ахроржон фалаж бир қиёфа-да индамай турарди.

— Нима бўлди, болам? — дея ота унга ўзини отувди, миллиционер юмш-оқлик билан, лекин қатъий тарзда отани четлатди. Тинтув тугагач, икки нафар қўшни хилислар гувоҳлигидagi акт тузил-ди ва Ахроржонни милиция машина-сига солиб, шаҳар хибсхонасига олиб кетишди.

Ташқарида куз салқини ҳукмрон эса-да, Ахроржон кирган камера дим ва бадбўй эди. Тахта ўриндиқ-сўрилларда ялпайиб ётган махбۇслар янги махбۇс шарафига ўринларидан кўзгаллини ло-зим топишди.

— Келинг, ука, — деди гавдаси йўғон, қўрағидаги қалин ўсган аяқри-дан оқ-қора жуллар майкадан ташқа-рига тошиб турган одам. Ахроржон шу ерда вақтинча, мажбурий макон то-пан турт нафар махбۇс билан қўл бе-риб сўрашди ва четдаги бўш жойга ўтирди.

— Қани, овмин, — деб фотиҳага қўл очди жундор одам. — Ҳаммазининг илҳимини Оллоҳнинг ўзи ўқилсин! — Ҳамма баробар фотиҳа тортди. Ахроржон илгарилари махбۇсларнинг ўзaro жиққамуш бўлишлари, камера-

синовчан оҳангни сездим. Бу одам ҳамма нарсадан хабардор эканлигини ҳам тушуниди. Шу боис очик жавоб бе-ришга киришди.

— У иккинчи хотиним бўлади.

— Никоҳдан ўтганмисизлар?

— ЗАГСдан ўтганмисиз, аммо шаъ-рий никоҳимиз бор.

— Ота-онангиз, биринчи хотинингиз хабардорми бу ишдан?

— Йўқ.

— Улимдан аввал, охириги марта Шо-ахмедовани қачон, қаерда қургансиз?

— Ахроржон бир зум тараддуллани.

«Барибир пивоҳур Усмоннинг хоти-ни буларга айтган», деган фикр миёсиди ярқ этди-ю:

— Илгари қуни, тунда. Уни ўз уйида қўрганман, — деб жавоб берди.

— Соат неча эди ўшанда?

— Тахминан кечки тўққиз билан ўн орасида эди.

— Унинг уйига қаердан келдингиз?

— Қишлоқдан.

— Қундузи шаҳарда ишлаганимдин-гиз?

— Ҳа.

— Нега қолавермадингиз? Қишлоққа бориб, кечаси яна қайтиб келишдан мақсад нима?

— Шундай, қўргим келди.

— Уйда Шоахмедованинг ўзи экан-ми ёки бошқа киши ҳам бормиди?

— Ахроржон тараддулланди.

— Ўзи ёлғиз экан...

— Махбۇс Мадаминов, яна сизни оғохлантираман, терговни қалғитиш мақсадида нотўғри қўргазма бериш ишингизни оғирлаштиради, холос. Яна такрор сўрайман: ўн бешинчи октябр-кеч соат тўққиз билан ўн орасида сиз Шоахмедованинг уйига кириб келган-ингизда у ёлғиз эдими ёки бирор бе-гона одам ҳам бормиди хонада?

— Е...ёлғиз эди!

— Ҳм. Ҳм. Орангизда нима гап ўтди?

— Шундай... торттишиб қолдик.

— Жанжаллашдингларми?

— Ҳа.

— Жанжалнинг сабабини айтинг. ба-тафсил гапиринг.

Ахроржон нима дейишини билмай қолди.

— Нега тўхтаб қолдингиз? Айтинг!

Йигит боши берк қўчага қириб қол-ганини аңглади. Жанжаллашса, нима хусусида жанжаллашарди? Ўз хотини ўлигини ўз дўканидан топиб олади?

— Махбۇс Мадаминов! Агар ёдин-гиздан чиққан бўлса, мен сизга ҳикоя қилиб беришим мумкин ўша тун ҳақида. Сиз чиндан ҳам ўн бешинчи октябр-кеч соат тўққизларда иккин-чи хотинингиз Шоахмедова Латофат-нинг уйига келгансиз. Аммо у ёлғиз эмас, уйда бегона эркак бор эди. Сиз келганингиздан сўнг эркак худлик би-лан уйдан чиқиб кетди. Сиз Шоахме-дова билан уришгансиз, уни ургансиз, ҳақорат қилгансиз. Шоахмедова ҳам уйдан чиқиб, орангиздан дўкон томон кетган. Дўконда жанжал яна авжига чи-қади ва сиз қўл жунини оладиган қай-чи билан Шоахмедованинг танасига санчиб, уни ўлдиргансиз. Қайчидаги Шоахмедова танасидаги, деворларда-ги бармоқ излари, қўйлагингиздаги қон шундан далолат беради.

Йигитнинг нафаси ичига тушиб кет-ди. У бирор нарсга дейишга оҳиз эди.

— Бугунги сўроқ тамом, — деди про-курор.

Мучалингни текшириб кўринг

ИЛОН ЙИЛИ НИМАЛАРНИ ВАЪДА ҚИЛЯПТИ?

Янги — Илон йили барча сичкон мучалидагилар учун ҳаётли ўзгаришларни ваъда қилади. Бир томондан улар фаоллик қўрсатиб, тушқунлиқни енгишди. Иккинчи томон-дан янги бошланган ишлари юришиб кетмайди. Энг ях-шиси, Илон йили бошланган ишга бош билан шўнғиш! Лекин афсусланманг, чунки сиз муроасага юра оласиз, демак галабага осонгина эришасиз. Ишонгини алмаш-тиришга шойингиз, чунки янги ишдан бирор нарсга умид қилиш қийин. Бу йилги никоҳ унча омадли бўлмайди. Бу йилда ўзингизни асранг, таваккалчи бўлаверманг, яқин-ларингизнинг маслаҳатига қўлоқ солинг.

СИЧКОН
Сичир мучалидагиларга Янги йил анча омадли келади. Янги иш бошласангиз, ҳаётингиз ранг-баранглашади. Янги иш ҳам, янги тахсиллар ҳам омад келтираверди. Сизни ниҳоят қадрингизга етиб, ҳурмат қўрсага бошлашади. Атрофингизда янги одамлар пайдо бўлиб, ҳаётингизни ўзгартириб юбориши мумкин.

Илон йилида саёхатлар, бошқа жойга кўчиб ўтишлар эҳтимоли бор. Ҳаётингиздаги ўзгаришлардан хотира ҳам бўлиб, чунки бу йилда сиз умман афсус, изтироб чек-майсиз.

ЙЎЛБАРС
Йўлбарс мучалидагиларга бу йил жимгина, пана-панада юришлари керак. Чунки ўзингизни қанчалик каттаворна тутсангиз, шунчалик зафарга эришаверасиз. Асосий во-қеалар шахсий ҳаётингизда содир бўлади. Қўллаб-йўллаб мучалилар ниҳоят оила қуриб, фарзанд қўришга қарор қилишди, баъзилари хотини билан ажрашди. Эҳти-моли, сизга янги жойга кўчишни тақдир қилишар. Уйингиз ҳаммаша дўстлар билан гажам бўлади. Фақат уларни оғиритириб қўйманг. Чунки сизга ҳозир қаттиқ ишониб туришибди.

ҚУЁН
Илон йили Қуёнларга қўпгина воқеаларни ваъда қил-са-да, уларнинг ҳаммаси ҳам қувонч келтиравермайди. Қуён мучалилар фаол ҳаёт кечирадилар. Аммо бирор-ларга омад қўлоқ босса, бошқаларнинг ишлари унчалик қўришмайди. Ижодий иш билан шуғулланувчиларнинг ошиги олчи бўлади, холос. Айрим Қуён йилида туғилган-лар ишларини алмаштиришди, лекин бу ҳам бошқа хаф-саланингизни пир қилади. Аммо бу хато фикр, ахир ёмон кундан сўнг яхшиси ҳам келади-да! Сиз асло иммала-манг, салгина умид унқунлари пайдо бўлган захоти фао-лиятини жўш урдирингиз. Муроасагўй бўлинг. Хатто бу Сизга унчалик ёқмаса ҳам. Ахир қисматдан қочиб бўлар-ми-ди!

БАЛИҚ
Қўпчилик Балиқ мучалидагилар учун Илон йили ўтган йилдаги хурсандчиликлар ва бахтли оилаларнинг давом-и бўлади. Аммо қайси соҳада бўлсангиз, қўл қўй-гайрат сар-лашга тўғри келади. Эски режаларини ҳаётга таътиб эта-веринг. Чунки сиз ҳамма нарсга улғуришингиз керак. Балиқ мучалилар ўзга жинсдагиларни худди оҳанрабо каби ўзига тортадиган бўлади. Сизни катта амалга қўта-риб, маошингизни оширишди. Аммо маънавий жиҳат-дан омадингиз чопмайди, йил бўйи аллақандай шубҳа-гумонлар миангизни кемиради. Ҳамма нарсга жойида қўри-нади-ю, аммо эркин нафас ололмайсиз, турмушингиздан заъқ ололмайсиз.

ИЛОН
Бу — ҳақиқатан ҳам сизнинг йилингиз. Илон мучалида-гиларга янги йил ишда ҳам, мансабда кўтарилишда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам катта қувончлар келтиради. Аммо энг муҳим режаларингизни аниқлаб, бутун эътиборини ўшани рўёбга қаршига қаратинг.

Тўғри барча ниятларингизга эришасиз, энг қўпчили-ма озуларингиз рўёбга чиқади, янги фаолият бошлай-сиз, янги машғулотлар топилади. Қўпгина илон мучали-лар оилали бўлишади. Хуллас ҳаёт фаровон, ишларда омад ёр бўлаверади. Айримлар ўзларини янги жойда си-наб кўрмоқчи бўлишади, уларга ҳам зафар ёр бўлади. Айниқса, меҳнат ва қийинчиликлари, ҳаёт машаққатла-рини юзда табаассум билан қўтиб олганлар омадли бўли-шади. Аммо асло арбоблар билан башлаша қўрманг.

ОТ
Илон йили от мучалидагилар учун осийишта бўлади, деб айтиш қийин. Зафарга эришмоқчи бўлсангиз, қаттиқ ишлаганингиз керак. Агар ҳаракатни сал қамайтириб, со-ғлиқ ҳақида ўйлансангиз ҳам ёмон бўласиз. Бу йил бахт-сиз ҳодисалар эҳтимоли кўпроқ эмиш. Сизнинг қатти-ҳаракатингиз ошқора ва пинҳона душманларингиз гийба-тига мавзу бўлади. От мучалидагилар мақсадага эришиш учун қўпгина тўсқинларни четлаб ўтишлари керак. Илон йилидаги никоҳлар ҳам омад келтирмайди. Бироқ жамо-ат ишидагилар, айниқса, нотикларнинг омади келади.

ҚЎЙ
Қўй йилида туғилганлар учун бу йил энг омадли давр ҳисобланади. Улар ўзларини осмонда қўришади. Ҳаётга бўлган ишончларини ортиб, орзуларни рўёбга чиқади. Фа-қат дунёдаги қўпчилигидан шундай муқофот нақд. Энг ав-ло саёхатга чиқиб, билим доираларини кенгайтиришга қолмай, романтик учрашувда қатнашасиз ва бу аjoyиб яқун топиши мумкин. Ута ҳаффи ишларда ишлайдиган ёки спортнинг ана шундай турлари билан шуғулланади-ганлар учун бу йил ниҳоятда омадли келади. Айрим Қўй мучалиларда ўқийда муаммо туғилиши мумкин, лекин қайратни сўсийтирмай, уни осонгина енга оласиз. Бу йил-да қўллаб янги танишлар орттирасиз ва уларнинг қўлини сизга жуда фойдаси тегади.

МАЙМУН
Маймун мучалидагилар учун Илон йилини яхши ҳам, ёмон ҳам деб бўлмайди. Ҳаммага Маймун йилидагилар қандоқ ният қилганга боғлиқ бўлади. Қўллаб оиласида худдам бахтли ҳаёт кечиради, яқинларининг барча таш-вишларидан халос қилишда ҳам уларнинг ёрдами тега-ди. Эракларнинг ишончада, мансаби кўтарилишида омад-лари чопди. Маймун мучалилар янги йилда умумий қондаларга бинаво яшашлари керак. Катта режалар ту-зишмасин. Яхшиси, уларни келгуси йил учун асраб қўлинг! Бу йилда шериқчилик қилинган иш сермахсул бўлиши мумкин.

ТОВУҚ
Илон йилида Товуқ мучалидагиларнинг ошиги олчи бўлади. Агар улар тинч йил билан ҳаракат қилсалар, ҳамма соҳада ҳам ўзларини қўрсага оладилар. Оқичасига их-тилофга боришса, душман қаршидага яқаланиб қоли-шади. Гамилар уларни таъқиб этиб, мағлуб қилишга ун-тинишмайди. Лекин Товуқ мучалилар доноларна муро-са йўлини тутишса уларни бемисли зафар ва омад ку-типти. Уларнинг соғлиғида муаммо бўлмайди, фақат ўла-рини ортиқча уринтириб қўймасинлар. Улар ёзда албат-та таътилга чиқисин, ўтган йилдагига ўхшаб ташвиш-ларга ўралашиб дам олишни унутиб қўймасин.

ИТ
Ит мучалидагилар учун қарама-қаршиликлар йили бўла-ди. Уларда ўзгаришлар содир бўлиб, ҳаётга муносабат-лари алмашади. Бунда ўзгаришлар қийин кечса ҳам улар ички туйғуларини осонгина мослаштирадилар. Йил бўйи ит мучалидагиларни тушуниб бўлмайдиган тафосиллар таъқиб этади. Бир томондан бу омад келтирса, иккинчи томондан тузатиб бўлмайди ҳолатларга ҳам тушиб қолишавери. Айримлар учун бу йил — инкироз даври ҳисоблана, бошқалари учун ниҳоятда омадли келади. Нима бўлганда ҳам руҳини туширмай, ишлайверинг! Ҳар иш Худодан!

ТЎНГІЗ
Бу мучалидагиларнинг Илон йилида бошқаларга қара-ганда кўпроқ азизат чекишларига тўғри келади. Бироқ бу гап сизни қўчмасин, чунки ўзингизнинг қатъийнингиз билан ҳар қандай қийинлиқни енгишга ўрганиб кетган-сиз. Айниқса, соғлигингизга эътиборли бўлинг, руҳий эуришк (стресс)лардан завоқор юринг! Қасбингизда ютуқларга эришасиз, йил охирида амалда қўғариласиз. Ижод билан шуғулланувчиларга омад ёр бўлади. Тақдир уларга қўлоқ босмаса-да қўпгина Тўнғиз мучалилар бу йил турмуш қуришга қарор қилишади. Эҳтимоли, нажот — никоҳдир! Қўплар турмуш қурга, омади чопи кета-ди-ку!

Муассис:
Ўзбекистон
«Адолат»
СДП Сийёси
Кенгаши ва
«Адолат»
газетаси
ижодий
жамоаси.

Бош
муҳаррир:
Тўхтамуроод ТОШЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Т. О. ДАМИНОВ, А. Ғ. ҒУЛОММАХМУДОВ,
А. ЖҲАБОВЕВ, Р. З. АХМАДАЛИЕВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Р. Р. ХАЙДАРОВ, К. РИХСИЕВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Д. К. КИРФИЗОВЕВ (бўлим мудири),
Р. М. АЗИМОВ,
Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАХОНОВ,
У. Ғ. ЖҲАБОВ, Н. НУРМАТОВ.

Мулоқот учун
телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Ижтимоий адолат ва ҳуқуқ
бўлими — 136-55-96.
Хатлар ва шикоятлар
бўлими — 136-55-64.

Навбатчи —
Саъиддин САЙДИСЛОМОВ

Газета Ўзбекистон
Республикаси Давлат
матбуот қўмитасидан
140 рақам билан
руйхатдан ўтган.
Буюртма Г — 2136,
ҳажми — 2 табоқ,
Офсет усулида
босилган.
Қўғоз бичими А-2
Газета IBM
компьютерда
терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун
фақат муаллифлар жавоб беришарди.
Қўғазлар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилган.
Қорхона манзил: «Ўзбек Тўғри» қўчаси, 41.
Босмага тошириш вақти — 24.00. Босмага тошириш вақти — 24.00.

МАНЗИЛЛИК:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси-32.